

ЎЗБЕКИСТОНДА ДАВЛАТ ХИЗМАТИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШДА ЖАМОАТЧИЛИК ФИКРИ ФАОЛЛАШУВИ

Гулчехра Ашуррова

Президент хузуридаги Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги бош инспектори

Аннотация: Ушбу мақолада Ўзбекистонда давлат самарадорлигини оширишда жамоатчилик фикрининг роли ҳақида батафсил ёритилган.

Калит сўзлар: Давлат, жамоа, жамоатчилик фикри, ривожланиш, тараққиёт.

Annotation: This article details the role of public opinion in improving state efficiency in Uzbekistan.

Keywords: State, Community, public opinion, development, progress.

Кириш: Бугунги глобаллашув даврида жамоатчилик фикрининг жамият ижтимоий ҳаётидаги таъсири масаласи муҳим аҳамият касб этади. Мустақил давлатлар барча соҳаларда жамоатчилик фикри динамикасининг асосий тенденцияларини аниқлаб, ўрганиб, таҳлил қилиб, тизимли мониторингини олиб бормокда. Ўзбекистонда ҳам бу борадаги ҳаракатлар, яъни жамоатчилик фикри билан ишлаш тажрибаси шаклланиб бормокда, норматив-хуқуқий хужжатлар қабул қилинмоқда ва сезиларли ижобий натижаларга ҳам эришилмоқда.

"Жамоатчилик фикри" атамаси инглизча "Public opinion" сўзидан олинган ва ўз маъносида қўлланилиб келинган. Дастребу бу атамадан XVII асрларда Англияда, XVIII аср охиридан бошлаб эса бошқа мамлакатларда ҳам фойдаланила бошланган.¹ Бу Европада йирик саноат ишлаб чиқаришини гуркираб ривожланиши ҳамда шаҳар аҳолиси сонининг ўсиши билан узвий боғлаш мумкин.

Давлат хизмати соҳасидаги натижалар таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, бошқарув қарорларини қабул қилиш самарадорлиги маълум маънода жамоатчилик фикри асосида шаклланган қарорларга ҳам боғлиқ. Чунки давлат хизматида жамоатчилик фикри натижаларидан фойдаланиш орқали соҳадаги муаммоларни аниқлаб олиш, бартараф этиш имкони мавжуд.

Бугун жамоатчилик фикрининг уч хил ифодаланиши кузатса, бўлади. Биринчидан, жамоатчилик фикрининг стихияли ифодаланиши, иккинчидан, сиёсий институтлар ташаббусига кўра, бирор бир қонунни муҳокама қилиш ёки чора-тадбир ўтказиш орқали фикрининг билдирилиши (референдум, умумхалқ муҳокамаси ва б.), учинчидан, маҳсус социологик тадқиқотлар, яъни сўровлар пайтида жамоатчилик фикрининг аниқланиши.

Таъкидлаш керакки, бугун давлат, жамият ривожининг замонавий босқичида мамлакатдаги ўзгаришлар ва воқеаларга фуқароларнинг муносабати, жамоатчилик фикрини, қабул қилинаётган қарорларга аҳолининг баҳосини аниқлашга оид социологик тадқиқотлар, сўровларни ўтказиш долзарб аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистонда биринчилар қаторида "Ижтимоий фикр" республика жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази жамоатчилик фикрини ўргана бошлади. Ҳозирги кунда мазкур

¹ М.Абдурахмонова. Ижтимоий бошқарувда жамоатчилик фикри самарали қарор қабул қилиш омили. №004201муаллифлик ҳуқуқи гувохномаси.2021 йил 10 декабрь.]

марказ жамият ҳаётининг турли масалалари бўйича мамлакат фуқароларининг фикри ва тасаввурларини ўрганишга оид долзарб мавзудаги тадқиқотларни ўтказиб келмоқда.

Жамоатчилик фикри – халқ истайдиган нарсани билишнинг ноорганик услуби деган фикрда Гегель² Унга кўра, жамоатчилик фикрида хамиша тўғри бўлмаган қарашлар мавжуд бўлсада, у ҳар бир даврда катта кучга эга бўлади.

Бу фикр аҳамиятини кейинги пайтларда жамоатчилик томонидан кўтарилиган қатор масалаларда ҳам кўришимиз мумкин.

Мактаб формаси ва дарслклар ижараси, “Ўзбекистон ҳаво йўллари” нархлари, растаможка, автомобилнинг ойналарини қорайтириш, экологик фаоллик, жумладан, дараҳт кесишига қарши ҳаракатлар каби бир қатор ижтимоий масалалар жамоатчилик фикри асосида ечимини топди. Бу жараёнда бошқарувдаги раҳбарлар жамоатчилик фикрини инобатга олди ва мавжуд ижтимоий муаммоларга ечим берилди.

Қолаверса, бугун Ўзбекистонда давлат органлари раҳбарлари фаолиятини жамоатчилик фикри асосида баҳолаш йўлга қўйилиши белгиланди. Бу ҳақда «Ўзбекистон — 2030» стратегияси тўғрисидаги Президент Фармонида белгиланди.³ Бу ҳам халқчил давлат хизматини шакллантиришдаги амалий ҳаракатлардан бири.

Хулоса:Хулоса қилиб айтганда, жамоатчилик фикри негизларидан бири унинг жамоавий хусусиятга эгалигида. Жамоа аъзоларининг ўзаро муносабатлари нечоғли мустаҳкам, беғараз бўлса, жамоавий фикр ҳам шунчалик ҳаётий, кучли ва яхлит мазмун касб этади. Давлат бошқарув тизимида қарорларни қабул қилишда унга таянилади. Жамоатчилик фикри асосида шаклланган ёндашувлар ривожланиш ва тараққиётни тезлаштиради.

Адабиётлар:

1. М.Абдурахмонова. Ижтимоий бошқарувда жамоатчилик фикри самарали қарор қабул қилиш омили. №004201муаллифлик ҳуқуқи гувохномаси.2021 йил 10 декабрь.].
[2.<https://www.gazeta.uz/uz/2023/09/14/evaluation/>](https://www.gazeta.uz/uz/2023/09/14/evaluation/).
- 3 Гоббс Т. Левиафан, или материя, форма и власть государства церковного и гражданского. Часть II О государстве // Антология мировой политической мысли. – М.: Мысль, 1997. – 182 б.
3. Гегель. Сочинения, том VII. М. – Л.: Соцэkgиз, 1934.
<https://www.gazeta.uz/uz/2023/09/14/evaluation/>
4. “Жамоатчилик фикри ва ижтимоий тараққиёт” Автор: Улуғбек Язданов (Самарканд, Узбекистан)
<http://oldconf.neasmo.org.ua/node/2367>

² <https://www.gazeta.uz/uz/2023/09/14/evaluation/>.

³ Гоббс Т. Левиафан, или материя, форма и власть государства